

Фиқҳ дарслари (161-дарс) Қуръондан муяссар бўлганича қироат қилинг!



19:00 / 25.11.2021 4712

Фарзнинг икки ракъатининг ҳар бирида ҳамда витр ва нафлнинг ҳар бир ракъатида бир оят қироат қилиш — ушбу жумлада келган маъно қироатнинг энг оз миқдорини билдиради. Фарз намози икки, уч ва тўрт ракатли бўлиши маълум. Уларнинг ҳаммасининг биринчи ва иккинчи ракатларида қироат фарз. Витр ва нафл намозларининг барча ракатларида қироат фарз, чунки аслида нафл намози икки ракатли бўлади. Агар ундан ортиқ бўлса ҳам, ҳар икки ракат ўзига хос намоз ҳисобланади. Витр намози қироат бобида нафл намозга қўшилган.

Ўша бир оят билан кифояланган гуноҳкордир.

